

Буюк тарихий шахсларнинг таржимаи холини ёзиш ва улар хакида изланиш олиб бориш учун манбалар ва адабиётлар етишмаслиги кўпинча муаммо бўлса, Сохибкирон Амир Темур хакида эса манбалар ва адабиётларнинг нихоятда кўплиги муаммо ҳисобланади.

Бу буюк инсон ва иқтидорли давлат арбоби хакида кўплаб асарлар ёзилганлигига қарамадан, тоталитар совет тузуми даврида унинг ҳаёти қирралари, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари халқимиздан сир саклаб келинди.

Ҳуқмрон мафкура унинг сиймосини мубҳам-қора пардага ўраб кўрсатишга интилни.

Биз бу ўринда бир мисол келтирмоқчимиз. Француз олими профессор **Люсьен Керен** умрининг асосий қисмини темуршуносликка бағишлаб, бу борада жуда кўп асарлар яратган инсон. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бу борадаги хизматлари учун «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Минг афсуслар бўлсинки, кизил империя даврида, Амир Темур тўғрисида бирор-бир ижобий сўз айтмоқ амри маҳол эди. Унинг фаолияти ва шахсияти фақат қора кўзойнак орқали ўрганилди, талқин қилинди. Мустақилликка эришилгандан сўнг, бу борада хайрли ишлар бошланди, бобоқалонимиз номлари хақиқий равишда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олина бошланди. ЮНЕСКО раҳнамолигида Сохибкирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

Люсьен Керен ҳақи таъкидлаганидек, совет тузуми даврида Амир Темур шахсиятини ерга уриш, уни асосан босқинчи сифатида талқин этиш урф бўлди. Олим 1961 йили Ўзбекистонда бўлганида Темур қандай давлат арбоби бўлганлиги, унинг ижобий фазилатларига доир саволларига жавоб беришдан бош тортганлар. Аммо Темурийлар даври ёдгорликларини инкор этиб бўлмаслиги маълум эди, Темурийлар маданиятига, хусусан Улугбекка ҳурмат сезилиб турарди.

Сохибқироннинг нуроний кифасидан биринчи бўлиб бундай калин ва кора пардани кўтариб ташлаган жасоратли олим, академик **Иброҳим Мўминов** бўлди. Ундан кейин олимнинг мумтоз шогирдларидан бири, Ўзбекистон тарихи билимдони, академик

Б

ў

рибой А

х

медов

Сохибқирон хақида чуқур илмий асарлар ёзди, унинг «Тузук»ларини нашр қилдириб, ватан тарихининг порлок саҳифаларини ёритиб берди. Шунингдек, Темурийлар даврини ёритишда истеъдодли меҳнатқаш олим

Тур

г

ун Файзиев

нинг хизматлари ва ёзган асарлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Биз араб, турк, форс ва гарб тилларида нашр этилган адабиётлардан ташқари, айтиб ўтилган олимлар ёзган асарлардан ҳам фойдаланиб, буюк Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари ва инсон ҳуқуқлари хақида сўз юритмоқчимиз.

Темурийлар буюк давлатининг асосчиси Темурбек ибн Тарагай, ёшлигиданок зўравонлик ва зўравонларга қарши қураш олиб бориб, жамиятда адолат меъёрларига мувофиқ иш юритиш тўғулари билан бирга ўсди ва қамолот даражасига кўтарилди.

Темур асос қолган давлатда ўрнатилган ҳуқуқий тизим ҳар доим устун бўлиб, унинг талабларига риоя қилиш барча учун мажбурий бўлган, тартибни бузган ва ўз вазифасини бажармаган кишиларга қаттиққўллик билан муносабатда бўлинган. Айниқса, давлат ҳавфсизлигини бузганлар қаттиқ жазоланганлар.

Сохибқирон Амир Темур ислом ҳуқуқшунослик илмини ҳар томонлама ўзлаштириб олган эди. Бу соҳада у зот юқсак даражага кўтарилиб, қатъи бериш салоҳиятига эга бўлган. Қуръони қаримнинг барча оятларини ёдлаб, уларни аввалдан охирига ва охиридан аввалга қараб ёддан ўқиш малақасига эга бўлган Амир Темур, уларнинг туб мазмунини чуқур тушуниб, айримларини ўзининг иш дастурига айлантирган эди. Оятлар ва ҳадисларга унинг ишонч ва эътиқоди шу қадар қучли бўлганки, уларни ўша даврнинг буюк биноларида қиройли «ислимий» хатлар билан ёзиб қўйишга буйруқ берган.

Амир Темур давлатида ислом ҳукукининг асосий қоидаларидан бири бўлмиш ва ҳозирда ҳам халқаро миқёсида қабул қилинган қоида, яъни «жиноятнинг шахсийлиги»га жиддий риоя қилинган, яъни жиноятчининг гуноҳи учун унинг қавм-қариндоши, ога-инилари (жиноятда иштирок этмаган ҳолда) жавобгар бўлмаганлар, шунингдек, жиноятга қўл урган киши жазосиз қолдирилмаган ва гуноҳсиз кишини жазолашга йўл қўйилмаган. Амир Темур ушбу принципни давлат ҳукуки тизимининг асосий қоидаларидан бири деб билган. У «мен ҳар доим аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳи билан тарбиялаб келдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим» деб таъкидлаган эди.

Афсуски, айрим тарихчилар, гоёвий, мазҳабий ёки этник таассубларга асосланган ҳолда, Амир Темурга нисбатан асоссиз фикрлар билдириб, унинг давлатида адолат меъёрлари амалга оширилганлигига шубҳа қўзи билан қараб келганлар. Ибн Арабшоҳ ёзган тўқима фикрларга қўшилиб, унга нисбатан салбий муносабатда бўлганлар.

Академик Бартолд ўзининг «Улугбек ва унинг даври» номи асарида ва америкалик машҳур тарихчи Хорулд Лемб ўзининг «Темур» номи китобида ибн Арабшоҳни қарама-қарши қилиб, у берган маълумотларни душманлик ва адолатдан сарқина олган ва у ёзган ибораларни ҳажв ва истехзо (масҳара қилиш)дан бошқа нарса эмас, деб ёзганлар (Ибн Арабшоҳ китобининг форсча таржимаси муқаддимаси). Лекин Сохибкироннинг шахсияти шу қадар юксак ва мақоми шу қадар баланд эдики, Ибн Арабшоҳ ҳар қанча қарама-қарши қилиб, унинг даҳоси, лаёқати, инсоний қиёфаси ва адолатсеварлигини инкор қила олмаган ва уларни эътироф этишга мажбур бўлган. Биз унинг китобидан (форсча матнидан таржима қилиб) айрим сатрларни келтирамиз:

«Ишларни бажаришда Темур ўткир фикр ва узокни қўра қилиш қобилиятига эга эди... Унинг тафаккур дунгизи чексиз эди... Ҳар доим қонунларни ўз мамлақатида амалга ошириб турарди... Хикмат ва жадал (мунозара)да Ибн Синони ортда қолдирар, мантқиқда юнонликларни соқит қиларди».

«У беҳуда сўзлаш ва ҳазилқашликни ёқтирмасди, ҳеч қачон ҳаво ва ҳавасга қўнғил бермасди, тўғрилиқ ва ростликни ҳатто унинг зарарига бўлса ҳам яхши қўрарди... Унинг мажлисида носазо айтиш, қон тўқиш, асирликка олиш, ор-номусга тегиш ва қорат қилишдан сўзлаш мумкин эмас эди... Темур етук ақл, ажойиб идрок, юксак баҳту иқбол, қелишган толе, изчил ирода ва қатъий фикр эгаси эди... Нихоят зийраклик билан ҳақни ботилдан ажрата олиб, ўз даҳоси билан ҳақиқий ўғит берувчини лаганбардордан фарқ этарди... Ўз ёркин фикрлари билан порлоқ юлдузларга йўл қўрсатарди ва юлдузлар ўқи

унинг раъйи (фикри) ва иродасига караб, мақсадга бориб тегади деб ўйларди киши».

Амир Темур, Ибн Арабшоҳ эътироф этган олий хусусиятлар эгаси бўлишидан ташкари, шариат сокчиси ва адолат хомийси сифатида ҳукмронлик қилиб келган. Куръони карим оятлари ва шариат таълимотининг руҳи унинг «Тузуқлар»ига сингиб кетган. Илохий йўлланмаларни назарда тутган ҳолда СохибкIRON адолатнинг қучига, унинг галабаси ва енгилмаслигига чуқур ишонган эди. Қонун даражасига қўтарилган ушбу ишонч ва ақидани унинг «Тузуқлар»идаги ушбу қисқа сўзлардан англаш мумкин: «Адоват эмас, адолат енгади», «қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган», «мен салтанатимни ислом дини, тўра тузуқлар асосида мустаҳкамладим».

СохибкIRON ўз авлодларини ўч-интиком олмасликка, ҳар доим тинчлик ва ярашиш йўлларини очиқ қўйишга қақриб келган. Шунинг учун Амир Темурдан кейин ҳам ватанпарварлик, адолатсеварлик, қонунга бўйсунуш Темурийлар давлатининг унутиб бўлмас анъаналарига айланиб қолган. Қунончи, Хиндистондек қатта ўлкада Бобурийлар империяси ҳудудида адолатни таъминлаш мақсадида Аврангзеб Оламгир назари остида «Фатвои Хиндия» деб аталган тўрт қилдлик ҳуқуқий кодекс яратилиб, Бобурийлар ҳокимияти тугагунга қадар бутун Хиндистон судларида расмий қонун сифатида ишлатилиб келинган.

СохибкIRON Амир Темур асос қолган буюқ давлат ўзининг турли босқичларида, ҳам Турон, ҳам Хуросон, ҳам Эрон ва ҳам Хиндистон ярим оролида адолат меъёрларига асосланган тузум сифатида барча олам аҳлининг диққатини ўзига тортиб қелиб, бугунга қадар ҳам ўз тарихий аҳамиятини йўқотмаган.

Маълумки, СохибкIRON Амир Темурнинг ҳурмат ва эътиборга қолик меросларидан бири унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари мажмуи бўлган «Темур тузуқлари»дир. Дунёнинг турли тилларига таржима қилинган ушбу асар, давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташқил этиш қоидалари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли ҳарбий услублар сингари қатор сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий ва ахлоқий қоялар ва меъёрларни ўз ичига олган. «Тузуқлар»нинг марказида инсон, унинг қадр-қимматини қойига қўйиш туради.

Амир Темурнинг маслаҳатчиси ва Қарб мамлақатларига юборган элчиси (Султония усқуфи) ҳозирда Париж илмий қутубхонасида сақланаётган хотираларида Амир Темур ҳақида: **«Темурбек қорс, араб ва турк тилларини билади. Қуръон илми ва ислом ҳуқ**

У
К
шунослиги илмида шу
К
адар кучли олимки,
Х
еч бир мусулмон олими у билан мунозара
К
илишга
К
одир эмас, у олим ва шоирларга катта
Х
урмат билан
К
арайди. Бунинг сабаби шундаки, унинг
Ў
зи олим ва донишманддир»,
деб таъкидлаган.

Темурийлар салтанати ва Марказий Осиёдаги Уйғониш даврининг иккинчи боскичига асос солган СохибкIRON Амир Темур ўзининг барча сиёсий ва амалий фаолиятини шариат коидаларига таяниб юритган. У «**Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган х**
ар
К
андай во

К
еа ва ишни тузук асосида бажардим. Шариат

К
онунларига итоат

К
илиш, урф-одатга эътибор бериш мен учун катта а

Х
амиятга эга эди.

Х
озирча

Х
ам шундай а

Х
амиятга эгадир. Менимча, модомики, бир

Х
укмдор бутун умри давомида от устида

Ў
тириб,
Ў

зига тегишли б

Ў

лган катта и

к

лимнинг

х

ар томонида

х

аракатда б

Ў

либ, бир ну

к

тада туриб

к

олмас экан,

Ў

зининг кенг

к

аламрави (мамлакати) ундан итоат

к

илишига амин б

Ў

лиши керак. Бундай ишончга фа

к

ат шариат

к

онунлари ва урф-одат

к

оидаларини амалга ошириш ор

к

али муяссар б

Ў

ла олади. Менинг мамлакатимда турли со

х

аларда

к

онунларга

к

атъий амал

к

илинадиган б

Ў

лса, мен

Ў

зимни

Ў

ша ерда

х

озир тургандай сезардим. Шариат ва урф

к

онунларини назарда тутган

х

олдагина, одамлар сенинг ишларингга ишонади ва уни жону дил билан бажаради»,
— деб таъкидлаган.

Конунга асосланган тизимнинг ахамиятини чукур англаб олган Амир Темур хакли равишда, «**Куч — адолатдадир**» деган олий меъёрни шиор килиб олган. Унинг бу сўзи бугун ҳам кудратли, хукукий демократик давлат куриш учун асосий йўлланма хисобланади. Амир Темурнинг хукукий карашлари ва амалий фаолияти «хар доим адолат ва инсоф меъёрлари билан хамоханг бўлган. У адолатсиз хокимиятни тасаввур кила олмаган. Ўз давлатида тузук-тўра ва шариат коидалари устуворлигини амалда таъминлаган. У давлатни бошқариш учун шундай бир конуний тизим яратганки, ундан кейин ҳам кўп асрлар давомида барча Хуросон, Туркистон, Мовароуннахр ва Хиндистон худудларида унинг «Тузуқлар»ига асосланиб иш юритилган.

«**Адоват эмас, адолат энгади**»

деган мўъжаз ва кимматли сўзи хаётда хамон ахамиятлидир.

Султония ускуфи таъкидлаганидек, Амир Темурнинг Тузуқларига биноан, урушсиз таслим бўлган шаҳарларда бирон-бир навкар бирон бир кимсага, хусусан, аёл кишига тажовуз килса ё бироннинг молини тортиб олса, бундай аскар ўлдирилган.

Султония ускуфи ўз хотиралари сўнгида: «Мен якин вақтларда жахон микёсида иктидор, бойлик ва саховат соҳасида Темурга тенг келадиган подшоҳ келиши мумкин эмас деб ўйлайман», — деб ёзиб колдирган.

Амир Темур хар доим илму фанга кизиккан, турли китоблар ва илмий асарларни ўқиган, уларнинг туб мохиятини тушунган. Масалан, буюк ориф-шоир Махмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» асари уни бутунлай ўзига тортган. Китоб муаллифига хурмати сабабли, Озарбойжонни тасарруф килгандан сўнг, шоирнинг Ватани бўлмиш Шабистар ахолисини ардоқлаб, уларнинг хар бирига беш мискол тилладан, хаммаси бўлиб, 18 минг беш юз беш мискол тилла багишлайди.

Амир Темурнинг хукукий тизимида жинойтга қўл урган барча кишилар, кимлигидан катъи назар, конун олдида ҳеч қандай имтиёзсиз жавобгарликка тортилган. Биз Амир Темур ҳаётини ўрганар эканмиз, у амалга оширган одилона ишларни халифа Умар Форук бажарган буюк ва адолатли ишларга ўхшатгимиз келади.

Тарихий маълумотларга кўра, Умар Форукнинг ўгли ислом шариатида ман килинган «шароб»ни ичганлиги учун Миср волийси Амр ибн Ос томонидан «Хад» жазоси, яъни дарра уриш билан жазоланади. Лекин жазолаш юзаки ўтказилганлиги учун, одамлар эътирозига дуч келади. Ушбу воқеадан хабар топган Ҳазрат Умар ўгли билан Миср хокимини ўз хузурига чорлаб, ўгил ўз гуноҳини эътироф этгандан кейин, шариат коидасига мувофиқ жазолашни буюради. Ўгил дарра зарбидан халок бўлади. Албатта, Ҳазрат Умар бу ишни, конунни хамминг устидан бир хил татбиқ этиш мақсадида амалга оширган эди.

СохибкIRON ҳаётида ҳам шунга ўхшаш бир воқеа бўлиб ўтган. Султониянинг ҳукмдори бўлмиш унинг ўгли Мироншоҳ ўзига яқин давлат арбоблари ва амалдорлари билан биргаликда маишатга берилиб, давлат ишлари ва раият ахволи назоратсиз қолиб, зулму ситам ҳаддан ошади, давлат хазинаси тугаб, аҳоли оғир аҳволга тушади. Бундан хабар топган СохибкIRON Султонияга лашкар тортиб бориб, беклар, амирлар, саркардалар кенгашини тузиб, улардан давлат хазинасини барбод қилиб, туну кун маишатга берилиб, раиятни оғир аҳволда қолдирган ҳукмдор ва уни бу йўлга бошлаган амалдорларни жазолаш ҳақида маслаҳат олгандан кейин, ўз ўгли Мироншоҳ ва уни бу йўлга солган барча амалдорларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барча молу мулки мусодара қилинсин деб буюради. Бундай катъий ҳукмдан даҳшатга тушган унинг пиру муршиди Сайид Барака ўртага тушиб, ҳукмнинг ижросини тўхтатишни илтимос қилади. Амир Темур унинг илтимосини қабул қилмайди. Бир неча амалдорлар ўлдирилгандан кейин, Мироншоҳ ва бошқаларга навбат етганда, жаллодлар уни жазо тахтасига ётқизиб, бошини кесмокчи бўлади. Сайид Барака Амир Темурга, мазкур ҳукм амалга оширилса, Темурийлар авлодида ўглини ўлдириш анъана тусини олиш хавфи борлигини ўқтиради. Ўшандагина Амир Темур Мироншоҳ ва унинг бошқа ҳамкорлари устидан чиқарган ўлим ҳукмини бекор қилади. Лекин, барибир, ўглини ҳукмдорлик ҳуқуқидан маҳрум қилади. Унинг ўрнига иккинчи ўгли Умар Мирзони Султония ҳукмдори этиб тайинлайди.

Бундай каттиққўллик билан ҳукм юритиш ва ҳакни тиклашда катъийлик кўрсатиш СохибкIRONнинг шариат коидаларига ва ўз «Тузуқлар»ига ишончидан келиб чиққан. У ҳакли равишда **«Хар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим**

»,

деган эди. Унинг

«Адлу э

х

сон билан жа
х
он гулшани обод б
ў
лади»

деган хикматли сўзларининг туб мазмунини ана шундай ходисалар магзидан тушуниб олиш мумкин.

Акмал Саидов
Абдулҳаким Жузжоний